

## МУХТОР АШРАФИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ЙӮЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13984988>

**Асадуллаева Мастура Абдувахобовна**

ЧДПУ мусиқа таълими кафедраси катта ўқтувчиси

**Турапова Фирузга Рустамовна**

ЧДПУ 5-курс талабаси

### **Аннотация**

мақолада Мухтор Ашрафий хаёти ва ижодий йўли, унинг ижодий фаолияти, асарлари, дирижёрлик маҳорати ҳақида сўз юритилади.

### **Калит сўзлар**

Дирижёр, санъат, маданият, жанр, сахна асарлари, опера, оратория.

### **Abstract**

the article talks about the life and creative path of Mukhtar Ashrafi, his creative activity, works, conducting skill.

### **Keywords**

Conductor, art, culture, genre, stage works, opera, oratoria.

Халқ артисти, давлат мукофоти, шунингдек, Халқаро Жаваҳарлал Неру ва Жамол Абдулносир мукофотларининг совриндори, профессор Мухтор Ашрафий кўп қиррали ижодкор. Ўзбек мусиқа санъатининг йирик намояндаси, улкан бастакор, бетакор, иктидорли дирижёр, ҳамда фаол жамоат арбоби.

Мухтор Ашрафий 1912-йилнинг 11-июньида қадимги ва навқирон Бухоро шаҳрида кўпчиликка таниш бўлган хонанда ва созанда оиласида таваллуд топди. Унинг отаси шаҳарда донғи чиққан санъаткор бўлиб, дўстлари Ашрафжон дуторчи деб аташарди. У маҳаллада санъат даргоҳлари, маданият саройлари бўлмагани сабабли санъаткорлар бирор дўстларини уйларида йигилиб машқ қилишарди. Кичкина Мухторнинг баҳтига отасининг уйида бундай учрашувлар тез-тез бўлиб турарди. Ашрафжон дуторчининг уйида унинг дўстлари замонасининг машҳур созанда ва хонандалар бўлмиш Ота Жалол, Ота Фиёс, уста Халим Ибодов, Тохиржон Давлатзода ва бошқалар йигилиб турли-туман халқ қўшикларини, рақс наволарини мақом қуйларини машқ қилишар, ижодий тортишувлар ва

ажойиб сухбатлар ўтқизишар эдилар. Бундай учрашувлардан сўнг Мухтор отасининг дуторини олиб, эслаб қолган куйларини тақрорлашга уринарди. Мусиқага бўлган ҳаваси борган сари ортиб борар эди. Буни кўрган отаси Мухторга дутор чалишни тўла тўкис ўргатди.

Бир қанча муддатдан сўнг, 1928-йилда Мухтор Самарқанд шаҳридаги Мусиқа ва Хореография институтига ўқишига киради. Бу ерда рус мусиқа билимдони, этнограф ва композитор Николай Назарович Мироновдан композиторлик ва дирижёрлик санъати сирларини ўрганади. Ёш бўилишига қарамай композитор сифатида бир қатор қўшиклар ва кўп овоз учун хор асарларини яратади. 1929-йилда дирижёр сифатида биринчи бор Самарқанд шаҳрида ташкил топган симфоник оркестр билан яқиндан танишиб концертлар уйишиширади. У Самарқанд шаҳри радио комитетида бадиий раҳбар ҳамда ўзбек мусиқали театрда дирижёрлик лавозимида ҳам меҳнат қиласиди. 1931-йили институтни тамомлагандан сўнг, Тошкент шаҳридаги Ўзбек Давлат мусиқали театрига бадиий раҳбар ва бош дирижёр этиб тайинланади. Унинг бастакорлик ва дирижёрлик фаолиятининг ривожига катта имкониятлар туғилади.

Ашрафий консерваторияда таҳсил олаётган пайтларида таникли рус композитори, Петербург консерваториясининг асосчиси ҳамда замонасиининг ягона пианиночиларидан ҳисобланган Антон Рубинштейнни айтган сўзларини бир умрга ёдида саклаб қолди: “Агар мен бир кун машқ қилмасам (пианинода), унинг оқибатини кейинги қуни ўзим сезаман, агар уч кун машқ қилмасам умр йўлдошим сезади, агарда бир ҳафта машқ қилмасам тингловчилар сезади”, - деган эди.

Н. Миронов раҳбарлигида “Садраш” номли Симфоник оркестр учун марш яратдилар. У биринчи асари бўлмиш “Курилиш маршини” Симфоник оркестр учун 1932-йилда яратади. Бу асардан сўнг композитор Комил Яшиннинг “Ичкарида” драмасига ҳам мусиқа басталайди. Унинг мақсади ўзбек мусиқали драмма театри тарихида биринчи бўлиб ҳалқ чолғу ансабмли ўрнига симфоник оркестрни ишлатиш эди.

Ашрафий 1931-1934-йилларда “Ўзбекистон Давлат Мусиқали театри” да бадиий раҳбар ва бош дирижёр вазифасида ишлади. 1934-1937-йилларда эса Москва давлат консерваторияси қошида ташкил этилган “Ўзбек Опера студияси”да атоқли композитор, профессор, С.Н.Васеленко дан сабоқ олади. Ва шу қаторда турли жанрларда йирик асарлар ҳам яратади. Улуғ Грузин шоири Шота Руставелининг “Йўлборс терисини ёпинган паҳлавон” поэмаси

асосида симфоник поэма, “ Ватан баҳори” ҳужжатли филмига мусиқа басталайди.

1939-йили Мухтор Ашрафий ўзининг севимли устози С. Василенко билан ҳамкорликда биринчи ўзбек миллӣ операси ҳисобланган “Бўрон” операсини тугатиб, сахнада ўзи дирижёрлик қилиб кенг ҳалқ оммасига ҳавола этади. Либреттони Комил Яшин яратган. “Бўрон” операсининг биринчи кунидан эътиборан ўзбек давлат мусиқали театри Ўзбекистон Давлат опера ва балет (ҳозирги Алишер Навоий номидаги) театрга айлантирилди.

Мухтор Ашрафий яъни композитор ва дирижёр нинг опера санъати ривожига қўшган улкан хизмати учун “Ўзбекистон ҳалқ артисти” фахрий унвони билан мукофотланди.

1941-йилнинг бошларида устози С. Н. Василенко билан ҳамкорликда ўзининг иккинчи операси “Улуғ канал”ни томошабинларга тақдим этди. Бу опера замонавий мавзудаги биринчи ўзбек операси бўлиб, унинг яратувчилари Мухтор Ашрафий, Василенко ҳамда драматург Комил Яшин ўз олдиларига биринчи катта қурилишлардан дастлабкиси бўлган катта Фаргона канали қурилишидаги ҳаётни акс эттиришни вазифа қилиб, уни муваффакиятли бажаришди.

Уриш йилларида Мухтор Ашрафийнинг ижод булоғи янада қайнаб қўплаб ватанпарварлик руҳидаги ажойиб асарларни яратди. А. Козловский билан ҳамкорликда хор ва симфоник оркестр учун “Улуғ комиссар” кантатасини, пуфлама (духовой) оркестр учун “Ўзбекистон” номли юриш (поҳо) марши, Москва обlastини немис-фашист босқинчиларидан озод қилиш шарафига “Тантанали марш” ва қатор қўшиклар: “Қасам”, “Ватан ўғлони”, “Мен жангта кираман”, “Жангта жасур бўл”, “Ширин забонга айтинг”, “Айлар сени”, “Кел”, “Арзимни ёра айтинг” ва бошқаларни ижод этди. Унинг биринчи симфонияси “Қаҳрамонлик симфонияси” (1942-й.) ўзбек композиторларидан биринчи бор мурожаат этилиши, муаллиф раҳбарлигига шу йил 4-ноябръда собиқ Свердлов номидаги концерт залида тингловчиларга ҳавола этилиб, катта муваффакият қозонди.

“Қаҳрамонлик симфонияси”нинг улкан муваффакиятларидан руҳланган композитор 1944-йили ўзининг “Голибларга шон-шарафлар” номли иккинчи симфониясини яратди. Бу асар ҳам муаллиф раҳбарлигига катта тантана билан ижро этилди.

1958-1959-йиллар ваётида Мухтор Ашрафий “Дилором” номли учинчи операсини яратди. Мухтор Ашрафийнинг ижодий эзгулик даври шу операдан бошланди. Бу опера ўзбек композитори томонидан мустақил

равиша яратилган биринчи опера эканлигини унутмаслик керак, чунки бунгача яратилган иккита мусиқали сахна асарлари С.Н. Василенко билан ҳамкорликда яратилган эди.

У умрининг сўннгти йилларида ҳам кўпгина асарлар яратди. Шулардан бири 1974-йилда Абдулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари асосида яратилган “Рустам хақида достон” эпик-ораторияси дунёга келди. Композитор бу ораторияда монументал жанрида тўпланган тажрибасидан унумли фойдаланган ҳолда композиция яратган.

Мухтор Ашрафий “Момақолдиrokда туғилганлар”, “Кониота горининг сири”, “Дилором” фильм опера, “Қадим қалъя афсонаси”, “Семург”, “Ганг дарёсида тонг” каби кинофильмларнинг мусиқа муаллифидир.

Мухтор Ашрафий 1966-1975-йиллар Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет театрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри ва шу қатори 1970-1975-йиллар яна Тошкент Давлат Консерваторияси ректори ва ўқитувчиси бўлиб ишлаб келди.

Шундай қилиб, Мухтор Ашрафийнинг композиторлик ижоди дирижёрлик маҳорати ҳамиша ўзбек мусиқа санъатида ойдин саҳифалардан бири бўлиб қолади. Мухтор Ашрафий 1975-йилда Тошкентда вафот этди.

Тошкент кўчаларининг Жуковский деб номланган манзилда Мухтор Ашрафийнинг уй-музейи барпо қилинган. Ушбу музейнинг мармардан ишланган пештахтасида шундай деб битилган эди: “ Бу уйда совет композитори, дирижёр, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауренти, ЎЗССР ҳамда “Ҳамза” номидаги давлат мукофоти, Жавахарлал Неру ва Камол Абдел Носир номли халқаро танловлар ғолиби-профессор Мухтор Ашрафийнинг 1969йилдан 1975-йилга қадар яшаб қилган уйидир”.

Хулоса қилиб айтганда, СССР халқ артисти, Камол Абдел Наср ва Жавахарлал Неру халқаро мукофотлари, Республика Давлат мукофоти совриндори, композитор, дирижёр, профессор, йирик жамоат арбоби Ашрафий қўп қиррали ижодий фаолияти билан XX аср Ўзбекистон мусиқа маданиятига улкан ҳисса қўшган. Мухтор Ашрафийнинг опера, мусиқали драма, балет, вокал симфоник, камер чолғу, кантата-ораториялари замонавий ўзбек мусиқаси тарихида чуқур из қолдиради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Э. Тошматов “Дирижёрлик” Тошкент-2008
2. Ўзбек халқ мусиқаси IV-том Тошкент-1960

3. Ўзбек халқ мусиқаси VII-том Тошкент-1960
4. А. Жабборов ўзбек бастакор ва мусиқашунослари. Тошкент-2004
5. "Мусика ижодиёти масалалари" Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси "Қатортол Камолот" наприёти. Тошкент 1997-йил.
6. Ф. Кароматов. Вопросы музыкального образования (материалы симпозиума) 1980 г.
7. Ю.Ражабий. И.Акбаров. Ўзбек халқ мусиқаси тарихи. 1981-йил.
8. А. Фитрат "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" Т.-дан 1993-йил.
9. Р. Соломонова, Р.Абдулаев "ўзбек мусиқа тарихи ва хрестоматияси". Т.1983-йил.
10. Ш. Рӯзиев "Хоршунослик". Т. 1987-йил.
- 11.Ю. Ражабий "ўзбек халқ мусиқаси" Т III.Тошкент 1959.
- 12.Шокаримов. У. (2022) Ўзбекистонда хор санъатининг даврий босқичлари.
- 13.Шокаримов. У. (2022) Ўзбекистонда хор санъатининг ривожланиши.
- 14.Шокаримов. У. (2022) "Авесто" китобида хор ижрочилигига оид айрим маълумотлар.
- 15.Акбаров И. Мусиқа лугати. Тошкент 1997-йил.
- 16.Виноградов В.С. Классический традиции Иранской музыки/
- 17.Гафурбеков Т. Фольклорные источники узбекского профессионального творчества. Тошкент: "Ўқитувчи" 1984-й.
- 18.Жабборов А. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари: Тошкент: "Янги аср авлоди" 2004-й.
19. Abdixodirova G. E. Aliyorov D. N.Tojiyev S.F.Musurmonov A. N UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABI O'QUVCHILARINI MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISHDA KUTUBXONALAR, TEATR VA OAV AHAMIYATI 7 -TOM 2-SON/2024-YIL /15 -FEVRAL PEDAGOG RESPUBLIKA ILMIY JURNALI 427-431 bet.
20. [USTOZ SAN'ATKOR KOMILJON OTANIYOZOVA HAYOTI VA IJODI.](#)  
FZ Shamshiddin o'g'li, IE Habibullo o'g'li - International Journal of Education, Social Science & Humanities, 2024